
Марғилон шаҳрида аҳолини бизнесга жалб қилиш бўйича Марғилон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Тўлқиновнинг МУРОЖААТИ

Ассалому алайкум, қадрли марғилонликлар!

Шаҳримиз иш ўринларини ташкил қилишда қуйидаги молиявий инструментлардан фойдаланилади. Кредит маблағлари ажратишни ошириш орқали тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2024 йилда тадбиркорлик лойиҳаларни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашга 600 млрд.сўмдан (2023 йилда 400 млрд.сўм) ортиқ кредит ресурс маблағлари йўналтирилади.

Шундан, саноат тармоғига 270 млрд.сўм, хизмат кўрсатиш соҳасига 250 млрд.сўм, қишлоқ хўжалигига 80 млрд.сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, тадбиркорлик қилиш истагидаги аҳолига 43,6 млрд.сўм “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ва ишсиз ижтимоий дафтарларда турган фуқароларга 1,2 млрд.сўм субсидиялар ажратилади.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 4 та тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 81 млрд. 439 млн.сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастурлари доирасида 1047 нафар аҳолига 14 млрд. 371 млн.сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди ва 1500 нафардан ортиқ ишсиз оила аъзоларининг бандлиги таъминланди. Бизнесни ривожлантириш банки ҳисобидан ташаббускорларга ҳар бир маҳаллалардан камида биттадан лойиҳаларга гаров таъминотисиз 100 млн.сўмгача кредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача 56 та маҳаллалардан (маҳаллалардан 1 тадан – 6 тагача лойиҳалар) 222 та микролойиҳалар учун 18 млрд 265,5 млн.сўм миқдоридида кредитлар ажратилди. Шунингдек, йил якунигача ҳар бир маҳаллалардан камида 5-6 тагача етказишни олдимизга мақсад қилиб олганмиз. “Бизнесга биринчи қадам” дастури доирасида доимий даромадга эга бўлмаган ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахслар учун банклар томонидан 17 миллион сўмгача бўлган миқдорда 649 нафар фуқароларга 7 млрд 408 млн.сўм кредитлар (микрокредитлар) ажратилди.

Ҳурматли Президентимиз ташаббуслари билан маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича “Сайхунобод” ва “Уйчи” туманлари тажрибалари асосида иш олиб борилмоқда. Шаҳарда 42 809 та хонадонлар мавжуд бўлиб, шу йилнинг март ойида ишчи гуруҳ томонидан хонадонбай ўрганиш натижасида хонадонларни 3 та тоифаларга ажратиб олинди. Яъни, 3 174 та хонадонлар жами хонадонларнинг 7,4 фоизи қизил тоифа, 25 971 та хонадонлар, 60,7 фоизи сариқ тоифа ва 13 664 та хонадонлар, 31,9 фоизи яшил тоифани ташкил қилади. “Сайхунобод” ва “Уйчи” туманлари тажрибалари бўйича қизил ва сариқ тоифадаги ҳар бир маҳалладан 50 та жами 2800 та хонадонлар танлаб олинган. Уларни йил якунигача 60-70 млн.сўмгача йиллик даромадини ошириш белгилаб олганмиз. Бунда асосий эътиборни ҳар бир маҳалладан 1-босқичда 282 та, 2-босқичда 280 та оғир тоифадаги (даромади 1 млн.сўмдан кам), ишлашга иштиёқи бор 5-7 тадан жами 562 та хонадонлар танлаб олинди, ушбу хонадонларга кредит, субсидия ва хомийлик асосида (3 талик пакет – тикувчилик, иссиқхона, чорвачилик ва бошқа йўналишларда) кўмаклар берилди.

2024-09-23 16:56:04